



## ЧИЗМАТАСВИР ФАНИДА «ҚОРАЛАМА» ЧИЗИШНИНГ УСЛУБЛАРИ

*Мурод Асрарходжасевич Азлярходжасев*

*Тошкент Кимё ҳалқаро университети. “Рангтасвир” кафедраси  
ўқитувчиси.*

**Аннотация:** Мақолада чизматасвир фанида “Қоралама” (Набросок)нинг мохияти, талабалар учун мухим жараён эканлиги ёритилган. Талабалар фанни самарали ўзлаширишилари учун тезкор хомаки чизгилар чиза олишилари мухим саналади. Ушбу мақолада қоралама бажариидаги турли услублар ҳақида илмий таҳлиллар ва рассом-талабалар фаолиятидаги маҳоратни оширишига доир тавсиялар келтирилган.

**Калит сўзлар:** Чизматасвир, қоралама, ҳажм, графит қалам, ретушъ, рангли қаламлар, графика, композиция, ритм, динамика.

**Annotation:** The article reveals the essence of sketching in the academic discipline of drawing and its importance for students. It emphasizes that the ability to create quick preliminary sketches plays a key role in successfully mastering the subject. The paper presents a scientific analysis of various sketching techniques, as well as recommendations for improving the competencies of art students.

**Keywords:** Drawing, sketch, volume, graphite pencil, retouching, colored pencils, graphics, composition, rhythm, dynamics.

**Кириш.** Барча тасвирий санъат соҳасидаги фан дастурларида, хусусан, композиция, рангтасвир фанларининг асоси чизматасвир фани ҳисобланади. Айнан академик чизматасвир фанида «Қоралама» ишлаш (Набросок, тезкор расм чизиш) мухим ўрин тутади. Бу усул расм чизиш жараёнида аниқлик, шакл ва динамика (ҳаракат холати)ни тез ҳис қилишга



ёрдам беради. Қоралама чизиш техника-услублари ҳар хил бўлиб, уларни ўзлаштириш талабаларнинг кузатувчанлигини ошириш ва касбий маҳоратларини ривожлантиришда муҳим амалий машғулот эканлиги устоз рассомлардан бизгача етиб келган.

Асосий қисм. Қоралама чизишнинг асосий услублари.

1. Силуэт. Бу усулда объектнинг ташқи контури аниқланади. Рассом тасвирланаётган нарсанинг умумий шаклини ифодалайди, детал (тафсилот)ларга эътибор қаратмайди. Силуэт усули асосан, контраст куяйган вақтда натуранинг чегара чизиқлари аниқ холатида, махсус равищда ёритилган объектларни тасвирлашда ёки оддий табиатдан расм чизиш жараёнларида қўлланилади.



Пабло Пикассо томонидан яратилган силуэтлар.<sup>1</sup>

2. Контурли қоралама. Контурли чизишда объектнинг ташқи ва ички чизиқлари аниқ қилиб туширилади. Бу техника шакл ва пропорцияларни


<sup>1</sup> <https://www.mutualart.com/Artwork/Pablo-Picasso--After---Portfolio-Cover-/61FDC70EB393B6E0BE9C07B566E355A4>



аниқлаштиришда ёрдам беради. Контурли қоралама күпроқ техник ва архитектуравий расмларда ишлатилади.

3. Жиддий қоралама.(График эскиз) Бу усулда асосий чизиқлар енгил ва тез чизилади, кейин эса таҳрир қилиниб, аниқ шаклга келтирилади. Жиддий қоралама композиция яратишида ва кенг күламли асарларни режалаштиришда қўлланилади.

4. Чизиқли қоралама. Бунда объектнинг ҳаракатини ва шаклини ифодалаш учун тезкор, эркин чизиқлар ишлатилади. Бу техника жонли объектларни, хусусан, одам ёки ҳайвонларни тасвиrlашда жуда самарали.



Анри Матисс чизиқли қораламалари.<sup>2</sup>

5. Тонал қоралама. Объектни ёруғлик ва соялар ёрдамида ифодалаш техникасидир. Тонал чизиш объектнинг ҳажмини кўрсатишида муҳим аҳамиятга эга. Кўпроқ портрет ва манзара чизишида қўлланилади.

<sup>2</sup> [http://www.newestmuseum.ru/data/authors/m/matisse\\_henri/r\\_10818/index.php](http://www.newestmuseum.ru/data/authors/m/matisse_henri/r_10818/index.php)



6. Нуқтали (штрихли) қоралама. Бу усулда чизиқлар ўрнига штрихлар ёки нуқталар ишлатилади. Бу техника деталларни мукаммалроқ ифодалашда ёрдам беради.

### Қоралама чизишнинг афзалликлари

- Кузатувчанликни оширади.
- Яҳлит кўриш ҳусусиятини шакллантиради.
- Тасвирий фикрлашни ривожлантиради.
- Рангтасвир ва композицияда мустақил ишлаш учун тайёргарлик вазифасини бажаради.
- Ҳаракатни ва динамикани тўғри ҳис қилишга ёрдам беради.

Хулоса. Қоралама чизиш усуллари рассомнинг маҳорат даражасини оширишда муҳим ўрин тутади. Турли техникаларни қўллаш орқали талабалар чизмаларида янада реалистик ва жонли образларни яратиш имкониятига эга бўладилар. Шундай экан, «қоралама» нафақат машқ сифатида, балки ижодий жараённинг асосий қисми сифатида ҳам қаралиши лозим.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Вермель, В. Активное наблюдение – процесс творческий / В. Вермель // Художник. 1964. № 6. С. 52–56.
2. 1. Могилевцев В.А. Наброски и учебный рисунок : учеб. пособие / В. Могилевцев. - [2-е изд., перераб. и доп.]. - Санкт-Петербург : 4арт, 2013.–167 с.